

---

## Яқиндан ҳамкорлик қилиш учун музокаралар олиб борилди

Бугун Тошлоқ тумани ҳокими, пахта-тўқимачилик кластери раҳбари А.Джурабаев тумандаги "Posco international textile" МЧЖ шаклидаги хорижий корхона раҳбари Чо Сэунг Хюнни қабул қилди. Қабул давомида корхона раҳбари Чо Сэунг Хюн билан тўқимачилик соҳасини ривожлантириш бўйича музокаралар олиб борилди. Янги лойиҳалар билан танишилди, тажриба алмашилди ҳамда маҳсулотларнинг харидорлиги ва рақабатбардошлиги хусусида томонлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

Шунингдек, корхонанинг муаммолари ўрганилди, маҳсулот ва экспорт ҳажмини янада ошириш ва ҳамкорлик бўйича чоралар белгиланди.

***Тошлоқ тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати***

2021-10-20 10:14:39